

Қозоғистонда қорилар мусобақасининг ғолиблари эълон қилинди



12:00 / 16.10.2021 1486

Қозоғистоннинг Туркистон шаҳридаги "Конгресс-холл" маданият мажмуасида Муслмонлар идораси томонидан X Республика Қуръони карим мусобақаси бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг турли ҳудудларидан келган 74 қори иштирокида ўтказилган мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимида мамлакат муфтийси Науризбай Тағанули, Туркистон вилояти зиёлилари, шунингдек, мусобақа ҳомийси Баҳардин Аблязимов ҳозир бўлди.

“Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, бугун биз натижаларни сарҳисоб қиляпмиз ва ёшлигидан Қуръонни ёдлаган ҳофизларни мукофотламоқдамиз. Мен Муслмонлар идораси, Туркистон вилояти вакиллиги, имом-домлаларимиз ва бу мусобақага ҳомийлик қилган Баҳардин Нуғмонулига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Шунингдек, ҳакамлар Комилжон, Садуақас, Дониёр, Эрсин ва Жуманазарларга ҳам раҳмат айтмоқчиман. Ёшларимиз сиз каби билимли ва муносиб фуқаролар бўлиб вояга этишсин!” – деди муфтий.

Мусобақада қорилар тўрт номинацияда беллашди. “30 пара” номинациясида биринчи ўринни эгаллаган чимкентлик 18 ёшли Алибек Жалиевга автомобил тақдим этилди. Иккинчи ўрин ғолибига 3 миллион, учинчи ўрин соҳибига эса 2 миллион тенге ажратилди. Бу номинацияда

тўртинчи ва бешинчи ўринни эгаллаган қорилар умра йўлланмаси билан мукофотланди.